

МАВЗУ: “ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ОНГИГА “ХАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ”НИ СИНГДИРИШ, КОРРУПЦИЯЙЙ ХАВФ- ХАТАРЛАР: СТРАТЕГИК ЕЧИМ ВА МУАММОЛАР”

Ҳалоллик вакцинаси!

- ▶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномада “**Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак мэрраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”,** деб таъкидлаган эдилар.

Ҳалоллик вакцинаси! У қандай эмланади?

- ▶ “ҳалоллик вакцинаси” инсон қалбига игна билан эмас, иймон нури орқали ўтиб, унинг виждонини поклайди.
- ▶ Ҳар қандай инсонга қондан ва она сути орқали “ҳалоллик вакцинаси” сингиб боради.
- ▶ Инсон ҳалол бўлиши учун унинг иймони бутун бўлиши лозим.
- ▶ Ҳар бир одам ўз ишини ҳалол бажарса, у “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган бўлади.
- ▶ Ана шундай иммунитетни шакллантириш вазифаси аввало ота-оналар, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари ходимлари, шунингдек, ҳалқимизнинг зиёли, маънавиятли қисми зиммасига юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон ФАРМОНИ

- ▶ Мазкур стратегиянинг **коррупцияга қарши курашишга оид 3 та мақсад** ўз аксини топган (10, 83 ва 84-мақсадлар):
- ▶ **10-мақсад:** Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш.
- ▶ **83-мақсад:** Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш.
- ▶ **84-мақсад:** Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.

Коррупция ўзи нима ?



- ▶ «**Коррупция**» сўзи лотинча «*corruptio*» сўзидан олинган бўлиб, маъноси **«бузиш, сотиб олиш»** деган маънони билдиради.
- ▶ **коррупция** - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши

Манфаатлар тўқнашуви нима ?

- **манфаатлар тўқнашуви** - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари:

- ▶ аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;
- ▶ давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ▶ коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари:

- ▶ Қонунийлик,
- ▶ фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги,
- ▶ очиқлик ва шаффоффлик,
- ▶ тизимлилик,
- ▶ давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги,
- ▶ коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги,
- ▶ жавобгарликнинг муқаррарлиги.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари:

- ▶ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- ▶ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.
- ▶ Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонунчиликка мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида энг сўнгги қабул қилинган норматив- хуқуқий ҳужжатлар:

- ▶ 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конун;
- ▶ “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармон;
- ▶ Мазкур Фармон билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури қабул қилинган (44 банддан иборат).
- ▶ “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сон Қарори;
- ▶ “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон Қарори.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупцияга
қарши курашиш бўйича 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон
Фармон билан 2022 йил 1 январдан бошлаб янги
механизмлар жорий этилди:**

Фармонга мувофиқ, “**Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда**
айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри” юритилади.
2022 йил 1 январдан бошлаб, давлат хизматчилари, давлат улуши 50
фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва
муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва
вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини мажбурий
декларация қилиш тизими жорий этилади.

2022 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчиларига **республика**
ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул
маблағларини саклаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш
тақиқланади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг мазмун-моҳияти:

- Коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш;
- Давлат харидлари соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш;
- Коррупцияга қарши курашиш тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш;
- Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш;
- Давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш.

Жавобгарлик ва жазо

- ▶ Бугунги кунда пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятлари (Жиноят кодексининг 210,211 ва 212-моддалари) учун амалда энг юқори 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.
- ▶ Ҳозирги кунда 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланмоқда.
- ▶ коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазони ўташда енгиллаштирувчи нормалар қўлланилишига чекловлар белгилаш ҳам назарда тутилмоқда

Хорижий тажрибани ўрганиш асосида давлат
хизматчиларининг совға олиши бўйича
маълумотлар

► Қачон «Совға» пора
предмети ҳисобланади?

Россия федерацияси

- ▶ Россияда амалдор, ўқитувчи, шифокор, раҳбар лавозимидағи шахсларга 3000 рублдан ошиқ қийматда совға берилса бу пора ҳисобланади.
- ▶ совға албатта харид чеки билан бирга берилиши керак.
- ▶ Совғани бераётган вақтда ёзма бўладими, оғзаки бўладими умуман бирор нарсага шаъма қилиш, сўраш, таклиф қилиш мүмкин эмас.
- ▶ Шу сабабли, совғани байрам, туғилган кун ёки бирор аҳамиятли сана муносабати билан бериш керак.
- ▶ Бундан ташқари, совғани олишни истамаган кишини кўндиришга уриниш, олмаса ҳам столи устида ташлаб кетиш мүмкин эмас.

Хитой халқ республикаси

- ▶ Хитойда мансабдор шахслар, давлат хизматчилариға совға сифатида бериш тақиқланган предметлар қонун билан белгилаб қўйилган. Ҳар қандай совға пора сифатида қабул қилинади ва ўлим жазоси билан жазоланади.
- ▶ Китоб совға қилишга рухсат бўлгани боис, айрим ўддабуронлар китобларни муқовасини қимматбаҳо тошлар ва зарлар билан безаб, қимматбаҳо металдан ишланган китоб ғилофида тайёрлатишиб, пора сифатида тақдим этишади. Матбуотда ёритилган бундай ҳолатлар ҳам жавобгарликка тортилишга сабаб бўлган.

Америка құшма штатлари

- ▶ АҚШда амалдор ва президент мамлакат хорижий давлатлар ва ташкилотлардан олган совғаси 305 АҚШ \$дан ошса декларацияда күрсатиши ва давлат архивига топширишга мажбур. Агар ўша совғани ўзига олмоқчи бўлса уни сотиб олиши керак. АҚШ Давлат департаменти ҳар йили Federal Register ахборотномасида совғалар рўйхатини эълон қилиб боради.

Сингапур

- ▶ Сингапурда вазир, уларнинг оила аъзолари совға олиши маҳсус кодекс билан тартибга солинган. 50 сингапур доллариғача (32 АҚШ\$) бўлган совғани ўзида олиб қолиши мумкин.

Буюк Британия

- ▶ Буюк Британияда мансабдор шахсларга бериладиган совға 140 фунт (266 АҚШ \$)дан ошмаслиги керак. Бундан қиммат совға фактат ўша амалдор жавоб сифатида қиймати ўша совғадан қолишмайдиган совға билан жавоб қайтарса рухсат этилади.

Франция

► Францияда мансабдор шахслар олиши мүмкин бўлган совғанинг рухсат этилган қиймати 35 евро. Бундан қиммат совға бўлса, уни албатта эгасига қайтариб бериши шарт. Масалан, Франция собиқ президентлари Франсуа Миттеран от заводига олган отини, Жак Ширак эса АҚШ президенти Билл Клинтондан олган Rolex тилла соатини қайтариб беришган.

Ўзбекистон

- Мамлакатимизда «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасига давлат хизматида совға олиш-бериши тартибга солиш бўйича «Совға сиёсати» номли алоҳида боб киритилмоқда. Унга кўра давлат хизматчилари томонидан қабул қилинадиган турли хил совғалар миқдори ва тартиблари қатъий белгиланиши кутилмоқда.
- Ички идоравий ҳужжатларда Жамоа номидан бериладиган совға миқдори базавий ҳисоблаш энг кам миқдорининг **5 бараваридан ошмаслиги**, бир шахс томонидан совға харажати базавий ҳисоблаш энг кам миқдорининг **1 бараваридан ошмаслиги** лозим.

Эътиборингиз учун раҳмат!